

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 20-iyun • Seshanba • 70 (27.562) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15 июнь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу саммитда сўзлаган нутқи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Хурматли давлат раҳбарлари! Мухтарам саммит қатнашчилари! Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари — саммит иштирокчиларини кутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман. Ўзбекистон ШХТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳо-ларни маълум қилайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШХТнинг ташкилий ва институционал шаклланиши борасида улкан иш-лар қилинди. ШХТ олдига турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди. ШХТ ишчи ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва инсоний-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги кўп қўлмали ҳамкорликка кенгайтирди. Тарихан қисқа даврда ШХТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллardan бири бўлиб шаклланди. Бизнинг фикримизча, ШХТнинг халқаро обрўси ва жозибadorлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жи-хатлар қуйидагилар:

Биринчидан, Евроосиё худудидида ШХТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эҳтиёж борлиги, унинг олдига қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилганлиги эътиборга моликдир. **Иккинчидан**, ШХТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, аънавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилган ва қарама-қаршилик қиладиган блок ҳуусиятига эга эмас. **Учинчидан**, ҳозирги замонда ШХТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб барқарорликни сақлашнинг ишончли кафили, радикал ва экстремист кучлар, тури қўрувчи ва бузғунчи марказларнинг минтақада вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсиқ қўювчи омил сифатида майдонга чиқиб келиши алоҳида аҳамиятга эга. **Хурматли саммит қатнашчилари!** Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган савдо-иқтисодий қарамлик жазон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти. Бугунги форумда вакиллари иштирок этаётган кенг географик ва геосиёсий худудда ҳали ҳамон кескинлик ўчоқлари, худудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асосдаги қарама-қаршиликлар-

нинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда. Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда қойилган коалиция кучларининг бу иллатга қарши кураш чоралари қўйилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушуриш, уларни муқобил давлатларро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир. Минтақадаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ мuddатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки гаиридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, юзага келаётган мурракб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб бундай комбинацияларнинг рўй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш лозим. Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизлигининг яхлитлиги тамойилдан келиб чиқиб ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади. Минтақадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий муаммоларни баҳолашда келишил-

ган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафкуриси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур. Сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, коммуникация масалалари ва бошқа муаммолар ҳар бир мамлакат ва умуман минтақа манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳал этилиши лозим. Мамлакатларимизнинг барқарор ва ишчи ривожланиши, халқларимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва кооперацияни янада қурулштиришга, «Шанхай жараёнининг барча қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос келадиган муҳим трансмиллий лойиҳаларни ҳал этишда биргаликдаги савдо-иқтисодий кучайтиришга боғлиқ. Айтилган фикрларни умумлаштириб шунчи таъкидлашни истардимки, имзоланган таъбирларнинг саммит ҳужжатлари — ШХТда интеграция жараёнининг кенгайтириши ва чуқурлаштириши, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашнинг бора-борида янги қадамдир. Ишончим комилки, ўзаро ишонч ва хурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи

Хурматли раис! Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакиллари кутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этади. Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳоама этилаётган масалалар бўйича ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини қисқача баён этмоқчиман. Давлатларро муносабатлардаги мижозро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатларро ва динларро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишининг энг муҳим шартли бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бизнинг асримизда — глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнида гоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суруятлар билан ўзаро, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва мижозларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш айнакиса муҳим аҳамият касб этмоқда. Барчамизга яқин маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар маззуси кўлаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўқки, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида мижозлари вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳоама қилиш учун белги-ланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим тақлифларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим. **Биринчидан**, Осиё қитъаси ҳақида сўз юри-тадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнининг, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг ишчи суруят билан ривожлани-ши таъминлашда АСЕАН, ШХТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкор-лик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳам-жамияти каби нуфузли халқаро ташкилотлар-нинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу боис бугун Форумда муҳоама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташки-лотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу маса-ларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам ино-батда олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди. Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилот-лар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқ-лаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади. **Иккинчидан**, Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатларро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиёт-да ва сиёсат майдонидида учрайдиган айрим хат-ти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда,


бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кес-кинлик ва қарама-қаршилик туғдирмоқда, мил-лионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда. Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг паст-лиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик аънавалари, турмуш тарзи ва мен-талитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган ноҳус фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўри-нишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол иғвогарлик ру-ҳидаги сурбетларча, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари айнакиса жиддий ташвиш уйғотди. Бу борада гап кетганида, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: мусул-монларнинг муқаддас дини бўлиши ислом дин-ини халқаро терроризм билан боғлашга ури-нишлар, Фарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқир-лашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этил-моқда, миллионлаб одамларнинг миллий гуру-ри ва нафсониятига тегадиган бирёқлама, асос-сиз баҳо ва ҳулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кир-дикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва эллар, турли диний конфессия-лар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни му-стаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва иш-чил давом этадиган фаолиятини йўққа чиқармоқ-да. Таъбир жоиз бўлса, халқаро майдондаги субъектлар ўртасидаги ишонччи одамлар ўрта-сидаги ишонч сингари янги ўтказилган ниҳолга қиёслаш мумкин. Бу ниҳол воёгага этиши, ҳосил-га кириши учун уни доимо, ҳар томонлама меҳр билан озиқлантириш ва парвариш қилиш зар-ур. Афсуски, баъзан бунинг ўрнига ана шу кўчат униб-ўсадиган муҳитнинг ўзини заҳарлаш ҳолат-лари оз бераётганини кузатиш қийин эмас. Дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда «иқки ёқлама стандарт»ларни қўллаш ҳоллари кўзга ташланаётгани ҳам, табиийки, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди. Пировард натижада шундай ҳулоса келиб чиқади: айрим давлат ва мамлакатларга мумкин бўлган барча нарсалар бошқаларга мум-кин эмас экан.

Яна бир мулоҳаза. Ушбу Кенгашда қабул қилинадиган ҳужжат-ларда гоят муҳим бир ҳолат ҳисобга олинган тақдирда, унинг фаолият самарадорлиги янада ошади. Яъни, ишонч чораларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар умумий гаплар бил-ан чегараланмасдан, аниқ йўналишга эга бўлса, бошқача айтганда, бугун халқаро жамоатчилик-ни ташвишга солаётган муайян мижозлари ва-зиятларга, бу мижозлар аянга олиб урушга ай-ланиб кетмасидан олдин уларни бартараф этишга қаратилса, ҳар тарафлама мақсадга му-вофиқ бўлар эди. Албатта, бу осон ҳал этиладиган вазифа эмас. Лекин айнан мана шу амалий мақсад — давлат-ларро муносабатларни яхшилаш соҳасидаги, кескинлик ва мижозлар келтириб чиқарадиган омиллари аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилган барча савдо-иқтисодий алоқаларни оклаши мумкин. Сўзимнинг якунида ушбу анжуманда ҳозир бўлганларнинг барчасига яна бир бор самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, саммит иши-га муваффақият тилашга ижозат бергайсиз. Эътиборингиз учун ташаккур.

КАТТА ҲАЛҚА ЙЎЛ: УЧИНЧИ — ЯКУНИЙ БОСҚИЧ

Йўлсозларимиз Мустақилликнинг 15 йиллик тўйи арафасида Тошкент Катта ҳалқа йўлини тўла фойдаланишга топширишни мақсад қилганлар



Мамлакатимиз раҳбари шу йил 4 апрель куни мазкур йўлнинг Сергели тумани худудидидаги йир-ки чорраҳада барпо этилган 49 метр узунлидаги кўприк ва Эр-кин кўргони оралиғида қурилган 3,7 километрли янги йўлни бо-риб кўрганида мутасаддиларга Тошкент Катта ҳалқа йўлининг учинчи — якуний босқичида амалга ошириладиган келгуси ишлар юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган-ди. Ҳозир қурилишда юзлаб ма-лакали ишчи ва хизматчилар икки сменада меҳнат қилмоқда. Қурилиш материаллари вақтида, пешма-пеш етказиб берилаяпти. Икки юздан ортик машина-ме-ханизм ва бошқа техника воси-талари куну тун ҳаракатда. «Йўл-лойиҳа бюроси» шўъба корхо-наси ҳамда «Тошкентбошлан-ЛИТИ» институти томонидан иш-лаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилаётган мазкур иншо-отнинг транспорт ечими, сув ва муҳандислик коммуникация ўтказиғилари муаммолари алла-қачон ҳал этилди. Эркин кўргони худудидан ўта-диган Катта Узбек трактида бар-по этилаётган — эни 24, узунли-ги 36 метрлик автомобиль йўл қурилиши шун кунларда ҳар қачонгидан жадаллашди. Мута-хассислар таъкидлашча, янги йўлнинг умумий узунлиги (тран-спорт ечимларини қўшиб ҳисоб-лаганда) 4,1 километрни, эни 26 метрни ташкил этади. Унинг ҳар икки томонида автомобиллар уч қатордан бемалол ҳаракатлана-

олади. Зеро, шу пайтгача мам-лакатимизнинг жанубий ва ши-молий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми водий вилоятларига пой-тахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтарди. Эндилик-да бундай ортикча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилади. Ҳисоб-китобларга кўра, Катта ҳалқа йўл орқали пойтахтимизга ҳар куни 24 мингдан зиёд тран-спорт воситаси кириб келади. У тўла фойдаланишга топшири-лиши билан ҳаракат оқими янада ортади. Айни кезде «Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз»,

«Тошкент — Душенбе», «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўллари ҳам бир-бири билан ту-ташади. Энг муҳими, Тошкент Катта ҳалқа йўли минтақамиз мамлакат-лари билан иқтисодий алоқалар-имизни ривожлантиришга, халқ-имиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. **Абдуғани СОДИҚОВ** **Суратларда:** (чапдан) уста А.Тошматов, иш бошқарувчи Н.Собиров, Э.Муродов иш пай-тида, йўл қурилишдан лавҳа.



ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июнь куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди.

Осиёда кўлаб минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жўғрофий ва савдо-иқтисодий омиллardan келиб чиқиб ту-зилган. Мазкур кенгаш эса қитъада хавфсизлик ва ҳам-корлик масалаларини яқли қамраб олган. Шу жиҳатдан у муҳим аҳамиятга эга. Форумда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Рос-сия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзинь-тао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Афғо-нистон Президенти Ҳамид Карзай, Озарбойжон Президенти Илхом Алиев, Покистон Президенти Парвез Мушар-раф, Қирғизистон Президенти

Қўрманбек Бакиев ва Тожики-стон Президенти Имомали Раҳ-монов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксин Шинаватра, Исроилдан Бош ва-зир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил — нефть ва табиий газ вазири Мур-ли Деора, Эрондан ташқи иш-лар вазирининг ўринбосари Аб-бос Эрақчи, Мўғулистондан парламент Спикери Мандсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Фала-стин Озодлик ҳаракати Ихроия кўмитаси аъзоси Саъд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўри-нбосари, ташқи ишлар вазири Аб-дуллоҳ Гул ва бошқа қатор мам-лакатлардан махсус вакиллар иштирок этди. Саммит аввалида кенгашга

Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сони ўн саккизга етгани маъл-ум қилинди. Кенгашнинг 2002 йил 4 июн-да бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган яқин ҳужжат-да қайд этилганидек, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъ-минлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш муҳим тузилма фаолиятининг асосий мақсади. Бунда ни-золарни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, савдо-иқтисодий алоқа-ларни мустаҳкамлаш назарда тутилди. *(Давоми 2-бетда)*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМҚОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзиде Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускоридир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиддий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри яқдил. Шу билан бирга, коррупцияга оғир трансмиллий жиноий фаолият сифатида қаралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат саяё-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммитида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Кенгашнинг ишчи механизми — Котибияти тузилди.

Осиёда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани

сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги саяё-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Ҳар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўз нутқида моҳаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотулигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳозирги шароитда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишонч чоралари механизмининг татбиқ этиш борасидаги таъсияларда муайян моҳароли ва зиятлар ҳисобга олиниши ке-рак.

Таъкидламоқ жоизки, саммитнинг ёритишда қатнашган журналистлар Ўзбекистон раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кузатуви ва таҳлилчилар кенгаш тўлақонли ташкилотга ай-

ланмаётган бўлса-да, долзарб минтақавий масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш учун яхши имконият яратилишини қайд этдилар. Қитъамизда дўст давлатлар кўп, лекин ўзаро муайян келишмовчилик ва зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Кенгаш ана шундай мамлакатлар вакилларининг норасмий мулоқоти учун яхши замин тайёрлайди. Шу боис музокара олиб боришнинг ўзига хос шакли сифатида бу форум келгусида ҳам сақланиб қолиши керак, деган фикр билдирилмоқда.

Саммит якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Декларацияси қабул қилинди, ташқи ишлар вазирлари ва махсус вакиллар Котибият тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Тузилма сафи кенгайиб бораётгани Осиё давлатларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги интилишлари уйғунлашаётганидан далолат беради. Саммит қитъа мамлакатлари ўртасида ишонч чоралари механизмларини янада самарали ишга солиш, шу орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўиши табиий.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Олмаота — Тошкент.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзАДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши мўлжалланган қатор қонунлар лойиҳалари қўйиб чиқилди.

Депутатлар дастлаб «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳоама қилдилар. Ушбу масала бўйича Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, фракция раиси Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

Махсус қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида 80 мингдан ортиқ врач, 250 мингга яқин ўрта тиббиёт ходими ва 90 минг кичик тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Мамлакат салюциятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим аҳамиятини хисобга олиб, тиббиёт ходимларининг масъулиятли меҳнати мўнсоб баҳолаш мақсадида моддий рағбатлантириш билан биргаликда ўз ҳаётини инсонлар тўғрисида гамоқўрлик қилишга бағишлаган бу шарафли касб эгаларини маънавий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган бўлиб, у тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда дастурий ҳуж-

жатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ноябрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилиш таклифи киритилди.

Фракция йиғилишида «Солиқ махсус тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳоама қилинди. Маълумки, фракция аъзолари махсус қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳоамасида ўзларининг аниқ таклифи билан чиққан эдилар. Хусусан, қонун лойиҳасида солиқ махсус тўғрисидаги фақатгина олий маълумотга эга бўлган иқтисодчи ва юрист итхтисолига эга бўлиши лозим, деган талабни фракция тегишли давлат дастурларини самарали амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ўқув юртларини битирган ёшларни иш билан тўла таъминлашни кўзлаб, бошқачароқ тарзда баён этишни таклиф этган эди. Яъни, депутатлар фикрига кўра, ўрта махсус маълумотга ва белгиланган тартибда малака сертификатига эга бўлган фуқаролар ҳам солиқ махсус тўғрисидаги бўлиши мўкин деб белгиланиши лозим.

Депутатлар махсус таклиф муҳоамасига яна бир бор қайтиб фикрлашиб олдилар. Махсус масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эркин Гадоев сўзга чиқди ва депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Фракция аъзолари «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мўнсабати билан Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўйича ҳам таклифларини муҳоама қилдилар. Шунингдек, ик-

кинчи ўқишда киритилаётган «Микромолиялаш тўғрисида»ги ҳамда «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳам муҳоама қилдилар. Агар, суё ҳужалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улугбек Вафоев депутатларга ушбу қонун лойиҳалари бўйича тушунтириш берди. Махсус ҳужжатларнинг асосий вазифалари тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий маблағлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароит яратиш, уларнинг фаолигини ошириш, шунингдек микромолиявий хизматлар бозорини ва тадбиркорликни ривожлантириш, микрокредит ташкилотларини ташкил этиш ва фаолият юритиши соҳасидаги мўнсабатларини тартибга солишдан иборатдир.

«Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳасини юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Гулистон Аннақичева маъруза қилди. Фракция аъзолари ушбу ҳужжатларнинг ратификация қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Йиғилишда муҳоама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Феруз КАЛОНОВ

«Галла — 2006»

БАРАҚАЛИ ХИРМОНЛАР

Бухоро. Жорий йилда 61,1 минг гектар ерга уруғ сочган вилоят галлакорлари ҳар гектар ердан 55,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 126,9 минг тонна товар ва 14,2 минг тонна уруғлик дон сотишди. Бунинг учун бор-йўғи 14 иш қуни кифоя қилди.

— Ҳосилнинг 93 фоизидан кўпроги фермерлар улушига тўғри келяпти, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Муроджон Умаров**. — Олдинги йилларга нисбатан ҳосилдорлик 2,8 центнерга ошди. Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат ҳўжалиги галлакорлари чўл шароитида бу кўрсаткичнинг гектар бошига 80 центнергача етказди. Пешку туманидаги «Еқуб Фаттоев», Қоровулбозор туманидаги «Умар Карим», Ромитан туманидаги «Аҳрорбобо», «Ғиждувон туманидаги «Шукур Тўра», Олот туманидаги «Аҳмад Чандир», Жондор туманидаги «Нозима Ниёз қизи» сингари фермер ҳўжаликлари мавсумда пешқадамлик қилишди. Вилоят бўйича тармоқдан 9,8 миллиард сўм соф фойда олиниши кўзда тутилган...

Урим давом этмоқда. Галлакорлар мавсум охиригача ялпи ҳосил салмоғини 339 минг тоннага етказиб, хирмонга 198,3 минг тонна сара дон тўкишни ният қилишган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
◆◆◆

Сурхондарё. Вилоят галлакорлари давлат қабул пунктларига 237 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бериб, шартнома мажбуриятларини бажардилар.

Табиаи сивовларида тобланган, зироатчилик илмини, ишонч кўзини яхши биладиган воҳа миришкорлари вилоят иқлим шароитига мос янги, серҳосил галла навларини экаётгани, уларни парварилашда илгор агротехника тadbирлардан самарали фойдаланаётгани нафақат дон етиштиришни кўпайтириш, балки махсуслот сифати ва истеъмол хусусиятини ошириш имконини ҳам бермоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 67 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Вилоят далаларида ҳосил мўл. Урим суръати бўшагани йўқ. Галладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экиш ишлари бошлаб юборилди.

(Ўз мухбиримиз)

БУҒДОЙЗОРЛАРИМ

Фермер Гулбаҳор Муродовага

Бир парча поғиза қаноат қилган, Бугдой бошогидан синаот қилган. Элим бор, юртим бор — нукус, орларим, Олтин далаларим — бугдойзорларим.

Саҳар юлдузлардан тақиб маржонлар, Дашту қирларимда отгайдир тоғлар. Жимирлаб кетгайдир кўнги талларим, Жимирлаб турсалар бугдойзорларим.

Тупроқнинг ишида эрта — индин йўқ, Қишдан ғамирласанг — ёзда кўнглинг тўқ. Яшил, олақалар, азиз қорларим, Қишда ҳам кўкларим — бугдойзорларим.

Ердаги донни ҳам эғилиб тердинг, Сен бунинг ризқ билан насиба деддинг. Дехқоним — заҳматкаш бургут, сорларим, Кенг ёйсан қаноатинг — бугдойзорларим.

Эртан ҳаммаёқни қоплар гул, чечак, Ниш урган ҳар майса у — бир келажак. Фермер бўлиб қийса гулбаҳорларим, Сиз янаиб кетгайсиз, бугдойзорларим.

Кўнглинг бугдойрангдир, юзинг — бугдойранг, Пайкаллар кўйида бу нечук жаранг — Кўнглинган уйгонди эл, диёрларим, Янграб сиканидлар бугдойзорларим.

Бу юрт нон исилдир, бу юрт — бугдойбўй, Гулбаҳор, менга ҳам кўк чойингдан қуй! Ёзилсин дилдаги бор хуморларим, Менинг акам, синглим — бугдойзорларим.

Бир хас-содмонинг ҳам жонимга пайванд, Сен менга онасан, мен сенга — фарзанд. Мени катта қилган чанг-ғуборларим, Эй ота маконим, бугдойзорларим.

Сирожиддин САЙИД

«STOMASERVICE» — ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА



Ўн беш йил муқаддам мамлакатимизда хусусий стоматология даврини бошлаб берган «Stomaservice» шифохонаси ўзининг янги манзилдаги хизмат кўрсатишга киришди.

Пойтахтимиз марказидаги янги кўш қаватли бинода ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур барча шароитлар муҳайё.

— Юқори малакали, тажрибали шифокорларимиз фақат сифатли ва энг замонавий стоматологик асбоб-ускуналардан фойдаланишда, — дейди шифохона директори Улугбек Холматов. — Германиянинг компьютерлаштирилган асбоб-ускуналари, Швейцариянинг материаллари, Фран-

циянинг анестетиклари ва мутахассисларимизнинг юқори малакаси оғриқсиз даволашга имкон беради. Мавжуд панорамали пантомограф ёрдамида барча 32 та тишининг суратини олиш, рақамли рентген ёрдамида эса компьютер мониторида тишингизни дарҳол кўриш мумкин. Қамровли, аниқ ташхис эса сифатли ва муваффақиятли даволашнинг кафолати ҳисобланади.

Мутахассисларнинг юқори малакаси ва улар фойдаланаётган энг замонавий асбоб-ускуналар туфайли «Stoma-service» Европадагидек даражага кўтарилган, десак асло муболага бўлмайдди. Шу боис ушбу шифо масканида ҳар қандай мураккабликдаги муолажа тез ва сифатли бажарилади.

Хозирга қадар ўн мингдан ортиқ киши «Stomaservice»нинг хизматидан фойдаланганлиги ҳам беҳиз эмас. Унинг ўқув марказида эса шифохона мутахассислари мамлакатимиз стоматологияри касб-маҳоратларининг ошиши учун ўз тажрибаси билан ўртоқлашмоқдалар. Дарвоқе, шифохона жорий йилдан бошлаб эстетик стоматология хизматларини кўрсатишга итхтисослашди.

Шаҳноза РЎЗИЕВА
Суратда: муолажа пайти.


ҚАРШИ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ТЎЁНАСИ



Суратларда: тажрибали энергетик Иван Погужев; Қарши шаҳрида янги ўрнатилган юқори кўчанишли трансформатор.

Қадимий ва навқирон Қарши шаҳри бу йил 2700 иллик тўйи арафасида турибди. «Тўйга тўёна билан...» дегандек, қорхона ва ташкилотлар байрам тантаналарига катта тайёргарлик кўришяпти. «Қашқадарё электр тармоқлари» очик ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам шаҳар кўчалари ва маҳаллаларда электр хизмати сифатини яхшилаш бўйича қатор ишларни амалга оширди.

— Хозир жамиятимизда уч минг нафардан ортиқ энергетиклар фаолият кўрсатишмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси Зафар Болтаев. — Улар бугунги кунда 1112,8 километр узунликда 110 КВли, 1692,06 километр масофада 35 КВли каби электр узатиш тармоқлари, 57 та 110 КВли ва 142 та 35 КВли подстанциялар ҳамда 7732 та трансформаторларга хизмат кўрсатишяпти. Барча жараёнлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган компьютерли марказий бошқарув пулти орқали кузатишмоқда.



Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар

МОХИЯТ

● «ЎЗХДП — 15 йил» танловига

ЁХУД ҚАҲРАМОНИМИЗНИНГ МАНТИҚАН ДОЛЗАРБ, МАЗМУНАН ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ ВА ЎЗИМИЗНИНГ ҲАМ БАЪЗИ МУШОҲАДАЛАРИМИЗ ҲАҚИДА (ОЧЕРК)

...Ибодулла ақани яқинда туман маркази — Манғитда кўрдик. Зарурроқ ишлари қийиб, ҳали Нуқусга боролмабди. Демак, у ердан қандайдир «суриштирмаман» деган гапини ҳам ҳали суриштиролмаган... Аммо, димоғи чоғ, кайфияти банд эди.

— Дала ишларимиз «беш» кетаяпти, — деди у — пахтани бу йил 119 тонна эмас, 270 тоннага етказамиз. Мўлжал — гектар бошига ўртача 48 центнер. Галладан давлатга 3,4 тонна сотиб, қолганини меҳнат аҳлига тарқатдик. 3 та «Олтой», 2 та «МТ-82», 2 та «ТТЗ-100», 1 та «Т-28Х3» тракторларимиз бор. Сеплка, культиватор, борона — ҳаммаси етарли. Бульдозер, «зил» автомашинамиз миллиқнинг ўқидай учди...

Шу кунларда 30 нафар ишловчимизнинг қўли-қўлига тегайди. Халил Болтабоев, Махмуд Алламбергенов, Фарход Утамуротов, Умрбой Матқурбонов, Мансур Хожиметов, Давлатмурод Абдуллаев, Шукрулла Жумабоев, Мансур Алламбергенов каби механизаторларимиз пахта майдонларида гўза парвариси билан банд.

— Утган йилгиз пахта, галла яхши бўлувдимиз?
— Ҳе, бизда «яхши!» бўлмаган йилнинг ўзи йўқ. Фермерлик ҳаракатида ўн биринчи йилки, ютуқларимизда «хато» бўлмади. Тўқсон бешинчи йил дастлаб 3 гектарли майдонда иш бошлаган бўлсак, ҳозир 100 гектар. 70 гектаридо деҳқончилик қиламиз. Ҳар йили оз-оздан бўз-партов ерларни ҳам ўзлаштириб, қўшимча экин майдонлари очаяпмиз.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да саховат бобида қилajak ишларингиз хомчўти борми?
— Ҳе, хомчўт нимаси, бизда ҳаммаси, «конкрет», реал бўлади... Қурбонбой, бу ёғини сен айтиб бер, — ўғирлиди у ёнидаги шериги, фермер ҳўжалиги бош ҳисобчиси Собуровга. — Мен ҳозир айтиб улғурмаган ўтган йилги натижаларни ҳам яна қўшиб айтaver, — алоҳида имо билан тайинлади.

Қурбонбой ҳам сўхбатга аралашини (аниқроғи, «интервью» беришни) кўтиб турган ақани, «конкрет» «реал» рақамларни қалаштириб ташлади.

— Утган йили 59 гектар майдонда С-47-27» навли чигит экиб, ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил олдик. 1,5 гектар майдоннинг ўзидан давлатга 2,7 тоннадан зиёд бугдой сотдик. Пахтадан 78 миллион 163 минг сўм даромад кўрдик. Техникамиз, боя ҳўжайин айтдилар, кўп. Қўшни ҳўжаликларнинг ҳам ерларини ҳайдаш, йўларини таъмирлаш, юкларини ташини ҳисобидан ҳам 56 миллион 365 минг сўм даромадимиз бор. Улар эвазига соф фойдамизнинг ўзи 44 миллион 174 минг сўм бўлаяпти... Одамлар иш ҳақларини вақтида олиб турибди.

...Олинган фойдадан 1 миллион сўм халқ таълими тизимига ўтказишни, кўп оилали, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ёрдамга муҳтож оилаларга 360 минг сўм ёрдам пули ажратишни режалаштирдик. Утган йили ҳам олдинги йил олинган фойдадан деярли шуна миқдорда кўмак берганмиз. Бурунги йиллар ҳам... «Қўйик қўйир», «Ўзбекистон», «Юмртов» овуллари тош йўларини йил сайин таъмирлаб бераёпмиз. Ҳатто туман маркази — Манғитнинг энг серкаторов кўчаларидан бирини 15-20 қақиримдан йўл босиб келиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳам бизнинг ҳомийлигимиз чекида. «Ўзбекистон» овулидаги 600 ўринли 44-ўрта таълим мактаби биносини қуриб берганимиз учун ҳўжалигимиз «Энг яхши ҳомий» деб топилди.

... Балхиклиқ тармоғимиз ҳам бор. Болалар боғчаси ва мактаблар ошоналарига бепул тарқатаёпмиз. Дўконларга эса арзон нарҳда бераёпмиз. Бу йил ўрдақчиликни ҳам ҳавас қилдик. Балхик боқилаётган ҳовузларимиз ва ҳўжалигимиз худудида 21 та арик, ариқчалар бор, суё мўл, шароит етарли...

— Бу, икковингизнинг ҳам бурро-бурро жавобларингизга қараганда, — сўзини бўлдиқ унинг, — борди-у, Манғитда муҳбирлар учраб қолса интервью берамиз деб, атай тайёргарлик кўриб келганга ўхшайсизлар, — ҳазиллашдик уларга.

Ўртада кулги кўтарилди. Гални яна Ибодулла ақа олди.
— Йў-ўқ, иш билан тўшидик. Лекин гапининг индаллоси, ўтган йиллар ичюда журналистлар билан мулоқот қилавериб, пишиб ҳам қолдик...

Яна кулишдик...
— Бир пайтлар, — давом этди Ибодулла ақа, — Президентимиздан: «Энг катта орузингиз нима?» — деб сўраганларидо: «Менга ишонган халқимни доим омон қўриш» — деб жавоб бергандилар... Тунов кунги чорвачиликда қорамолларни кўпайтириш ҳақидаги қарорининг асл моҳияти ҳам у кишининг ўзлари орзу қилган халқ омонлигига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига, ислохотларни жадаллаштиришга ва тадбиркорликни ривожлантиришга бориб тақалади. Замирида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, ҳар бир оила ва ҳар бир фуқаро турмуш тарзини юксалтириш ётади. ЎзХДПнинг бош мақсади бўлмиш — ижтимоий муҳофаза деган тушунчалар бор унда.

Кимки, шуни дангал, чуқур тушуна, ишончим қомил, у ўзининг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, сўзи ва ишида ички бир сезги билан ўзини-ўзи доим тергаб туриши табиий: Масалан, «Мен жамиятга нима бердим? Унда менинг, жамоамнинг ўрни борми...?» — деб...

Биз Ибодулла ақани (шеригини ҳам) ортиқча саволга тутиб ўтирмадик. Узи шундоғам шошилиб туривдиқ? Улар — Нуқусга, биз — келишадиган вақтга кўра туман ҳокими қабулига...

— Яна уч минут кеңиксангизлар мени бу ердан эмас, меҳнат ярмаркасидан топган бўлардингиз, — гап бошлади ҳоким. — Узим айти сизларни қизиқтирган, ЎзХДП гоғларига мос тадбир ўтказаетувдик.

— Қанақа тадбир?
— Аҳолини иш билан таъминлаш туман меҳнат ярмаркаси, мана, Рустамбой — бош, Хонимжон ёнбош, — деди-да даврадагиларни тўлиқроқ таништириб бошди. Бирини — ХДП туман кенгаши раиси Рустам Ҳўжайиёнов, бирини — ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ХДП туман кенгашининг фаол аъзоларидан...

— Унда ярмаркага сизни ҳам, бизни ҳам булар бошлаб бораркан-да...

• Долзарб мавзу!

БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИ:

МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУДДАО

Жажжи болакайларнинг ўйинчоқ ўйнашини кузат-гамисиз? Агар бу машгулотни шунчаки ўйин, эрмак деб ўйдасангиз, англашасиз — ўйинчоқлар ёрдамида бола дунёни ўргана бошлайди. 2-3 ойлик чақалоқ ёрқин рангли шаклдоқларга талпинса, бир ёшларга бориб кўғирчоқ ўйнай бошлайди. 3-4 ёшда «Конструктор» тўплами устида «бош қотиради...». Конструктор йиғишбаси меҳнати ҳам, белкурракча билан ўйинчоқ «КамАЗ»га қум ортгани ҳам, пуьтли машинани масофадан туриб бошқаргани ҳам жажжи фарзандларимизни улгайтиради. Катта ҳаётга тайёрлайди. Ўйинчоқлар болаларни, нафақат интеллектини балки, маънавий дунёсини ҳам бойитади.

8-10 яшар уч болакайнинг гап-сўзлари хаёлимни бўлди — улар каттагина кутига жойланган конструктор тўплами олдида туриб, хайратларини яширмай таассуротларини ўртоқлашар эди. Сотувчи бир зум уларни кузатиб турди, тегишли хулоса чиқарди шеклили, болаларга «қани қичинлар, ота-онангиз билан, пул билан келинлар» деди. Болалар мулазм бўлиб, индамай дўконни тарк этишди. Улар томоша қилган тўпанининг нархиға кўз ташладим — 155 минг сўм.



Кейинги бир неча йил ичида савдомиз янада жонланди — бу эса халқимизнинг турмуш фаровонлиги оғиндан далолатдир. Дўкон янги очилган кезлари Олег Мазорович реклама максалида бир нечта болани қабул қилиш имкони бўлган бўлим ташкил қилди — бу ерда болалар текин ўйинчоқ ўйнаши мумкин. Ота-оналар бу янгиликни шундай миннатдорчилик билан қабул қилишдики, фарзандларини ярим соат ўрниға уч соатга қолдириб, бозор-ўчарини ҳам қилиб олишди. Бола эса ўзиниға маълум, хархаша қилади, сув ичкиси келади ёки... Бўлимни ётгани билан Олег Мазорович фикридан қайтмади — болалар маркази

яратиш учун ер майдони олди, яқиниғада бу ерда қурилиш ишлари бошланиб кетди. Марказда ўйинчоқ магазини, болалар кафе-си ва кўнгилочар ўйин майдончалари бўлади. О.Хачатуровнинг гапларига қараганда ўйинчоқ савдоси, агар бозорни яхши ўрганиб, тушуниб ишласанг, яхши бизнес. Ишлаб чиқариш-чи? Тadbиркор маҳалли ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб кўрмаган экан.

— Дарвоқе, бундан бир неча йил бурун битта хусусий корхона ишлаб чиқарган «Фонд биржаси» интеллектуал ўйинидан 300 дона олгандим, ҳозирғача сотиб тугатганимиз йўқ. Жуда қизиқарли, боланинг фикрлаш қобилиятини оши-

радиган ўйин. Сифати чет элликдан қилинмайди, ҳатто баъзи жихатлари билан устун ҳам. Аммо, кўпчиликнинг онгида чет элнинг моли яхши бўлади, деган тушунча сақланиб қолган шеклили, — дейди тadbиркор.

— Сизга битта маслаҳатим — ҳужжатсиз ўйинчоқларни сотиб олаётганинғизда унинг арзонлигини болангизнинг саломатлиги билан тарозига қўйиб кўринг. Бундай ўйинчоқларнинг бугунда оғир металл бўлиши мумкин, ҳатто ҳдиддан билса бўлади...

Хажқатдан ҳам, болалар ўйинчоқларининг мамлакатимизга қонуний импорти ҳам, ноқонуний йўллар билан олиб кирилиши ҳам йил сайин охиб борапти. 2004 йил бохсончаларимиз миқдори 10,5 миллион АҚШ долларлик, 2005 йил 25,6 миллион АҚШ долларлик ўйинчоқлар ноқонуний йўллар билан олиб кирилганлигини аниқладилар.

2002 йил мамлакатимизға 684,05 миң АҚШ долларлик, 2005 йил эса 1516,4 миң АҚШ долларлик ўйинчоқ импорт қилинган.

Маҳалли ишлаб чиқарувчилар манфаати қули химояда эканлигиға, ўйинчоқ импортиға юқори акциз тўловлари белгиланганиға қарамадан, уларнинг ички бозордаги ҳисоси йил сайин камайиб борапти. Мамлакатимизда 2003 йил 201 миллион 386 миң сўмлик, 2004 йил 141 миллион 779 миң сўмлик, 2005 йил эса бор йўғи салкам 96 миллион сўмлик болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилган. Сирасини айтганда, мамлакатимизда фақат икки — Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш корхонаси ва «Совпластитал» қўшма корхонасида ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади.

Бундан 20-30 йиллар илгариги болалар севиб ўйнаган, овоз чиқарадиган резина ўйинчоқларни эслайсизми? «Совпластитал»да шундай ўйинчоқлар ишлаб чиқаришаркан.

— Ўйинчоқларни фақат буюртма асосида ишлаб чиқарамиз, махсулотларимизға асосан Россия давлатида харидорлар кўп, — дейди ишлаб чиқариш раҳбари Маргарита Адамьян. Махсулотимизнинг омиборда туриб қолишини истамаймиз, шунинг учун фақат буюртма бажарялмиз...

Демак, ўйинчоқ ишлаб чиқаришнинг йил сайин камайиб кетаётганининг ўзбек аҳолининг маҳалли корхоналар ишлаб чиқараётган махсулотларига талаб сустигини кўрсатади.

Ўйинчоқларнинг боланинг маънавий дунёсига таъсири ҳақида мақолаимиз бошида айтиб ўтандик. Дарҳақиқат, эътибор бериш, кичкинтойлар Барбини билишади,

Барчинони билишмайди, Гарри Поттер, Терминатор ҳақида чўққ тиллари билан анча нарсани ҳўққ қилиб ташлашади. Чўққ бу қаҳрамонларни фақат мультфильм, кинода кўришми қолмай, кўғирчоқларини ҳам ўйнашди. Барчино, Алломиш каби қаҳрамонлар сийратидиға кўғирчоқлар эса йўқ, Менинг назаримда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар сифати, тури, уларнинг номланиши, миллий қадриятларимиз, миллий қаҳрамонларимиз сийратига мос ёки мос эмаслиги — бу алоҳида мавзу. Биз ҳозир кичик бир кузатишларимизда мамлакатимизда ўйинчоқлар ишлаб чиқарилиши бугунги аҳоли, нарх-навоси, четдан келтирилаётган ўйинчоқлар, ушбу йўналишда иш олиб бораётган дўконлар ҳақида фикр юритишға ҳаракат қилдик. Шу ўринда «Қаердасиз, тadbиркорлар» десак, ноўрин бўлмас. Чўққ болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш — қўшимча ишчи ўринлари, сифатли ва арзон махсулот, импортни камайитириш ҳўққсига тежалган миллионлаб валюта ҳам дегани...

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

ТАХРИРИЯТДАН:

Кичик бир мақолада бу долзарб масаланинг барча қирралари ҳақида фикр юритиш қўйин. Шўни ҳисобға олиб, бу борада мутахассислар мулоҳазасини, мутасаддилар жавобини, ота-оналар муносабатини кўтиб қоламиз.

Бозор ва нарх-наво: ҚАЕРДА ОШМОҚДА? ҚАЕРДА ТУШМОҚДА?

Деҳқон бозорларидаги нарх-наволар ҳақида Халқ демократик партияси фаоллари томонидан жамоатчилик кузатуви асосида тайёрланган МАЪЛУМОТ

(2006 йилнинг июнь ойи ҳолатига)

Т/р	Минтақалар номи	Гўшт		+	Тухум	+	Картушка		+	Пийёз	+	Сабзи		+	Шакар		
		Мол гўшти	Қўй гўшти				-	-				-	-				
1.	Андижон шаҳар деҳқон бозори	3000-3200	200	3600-4000	90-100	10	300-400	-300	150-200	-50	250-300	100	900-1000	100	1100-1200	-	
2.	Бухоро шаҳар деҳқон бозори	2800-2900	200	2800-2900	80-85	-	450-500	-100	200-250	-100	350-400	200	800-850	-	1150	-	
3.	Жиззах шаҳар деҳқон бозори	2800-3000	-	3200-3500	-	100	-	550-600	-50	200-250	-50	500-550	350	900-1100	100	1200	-
4.	Навоий шаҳар деҳқон бозори	2700-3000	-	2800-3000	-	80-90	-	350-500	-250	200-250	-50	250-300	50	850-950	-	1200	-
5.	Наманган шаҳар деҳқон бозори	2700-3000	-	3500-3800	300	100-120	20	300-400	-200	150-200	-50	200-250	-	1000-1200	200	1200-1250	50
6.	Самарқанд шаҳар деҳқон бозори	3000-3200	100	3300-3500	300	100	20	250-400	-50	140-150	-50	190-200	-	1000	100	1200	100
7.	Гулистон шаҳар деҳқон бозори	3200	-	3600	-100	95-100	-	300-350	-200	150	-100	175-200	-25	1125-1150	150	1050-1150	-
8.	Термиз шаҳар деҳқон бозори	3000-3200	-	3500-3600	-	85-100	-	250-300	-150	100-150	-100	200-250	-50	900-1000	-	1200	-
9.	Юнусобод туман деҳқон бозори	3200-3500	100	3700-4000	-	100-110	-	350-450	-250	250-300	-100	400-500	150	900-1100	100	1100-1200	50
10.	Ангрен шаҳар деҳқон бозори	3000-3100	100	3400-3500	100	90-100	-	400-500	-150	200-250	-50	300-350	100	850-900	50	1050-1150	-
11.	Фарғона шаҳар деҳқон бозори	3200	-	3800	-	125-130	-	500	-200	350	-	250	-	1300-1400	100	1200	-
12.	Урганч шаҳар деҳқон бозори	2700-2800	100	2900-3000	-	80-90	10	450-500	-300	150-200	-200	650-700	400	800-900	100	1200	-
13.	Қарши шаҳар деҳқон бозори	3000	-	3500	-	80-100	10	450-550	-100	180-200	-150	250-300	100	1000	100	1200	-
14.	Нукус шаҳар деҳқон бозори	2600-2800	-	2700-3000	-	80-90	-	400-450	-250	200-250	-150	650-700	350	700-800	50	1300-1400	-

Изоҳ: * Олдинги ойға нисбатан Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида гўштининг нархи 100 сўмдан 200 сўмгача кўтарилган. Гуручнинг нархи ҳам барча ҳудудларда 100 сўмдан 150 сўмгача ошган.

** Андижон, Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида тухумнинг нархи 10 сўмдан 20 сўмгача ошган.

*** Деярли барча ҳудудларда картошканинг нархи 200 сўмдан 300 сўмгача, пийёзининг нархи 50 сўмдан 100 сўмгача пасайган.

**** Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Хоразм вилоятларида сабзининг нарх 350 сўмдан 400 сўмгача ошган. Андижон, Бухоро, Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида сабзининг нархи 100 сўмдан 150 сўмгача кўтарилган.

Ўзбекистон ХДП МК
Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими



РОССИЯ

Машҳур «АК-47» автоматини яратган россиялик ихтирочи Михаил Калашников жаҳон жамоатчилигини қурол-ярғоқ савдосини қисқартиришға ва бу билан ноқонуний шуғулланаётганларға қарши янада қаттиқ чоралар жорий қилинишиға даъват этиш ниятида. «The Times» газетасининг ёзишича, келаси ҳафтада БМТнинг қўл ўқотар қуроллари савдоси бўйича ўтадиган анжуманида шундай баёнот билан чиқади.

— Яратган қуролимдан миллий озодлик ёки мудофаа учун қўлланишидан ташвишланмайман, — деди 86 ёшлик истеъфодаги генерал Британия нашриға берган интервьюсида. — Лекин шу қурол билан тинч аҳоли ўлдирилаётгани ёки яраланаётганини кўрганимда гоат азизат чекаман. Кўнглим таскин топиши учун, бу автоматни 60 йил муқаддам мамлакатимиз манфаатларини химоя қилиш учун ихтиро этганиман, деб ўзимға-ўзим эслатаман.

«АК-47» номини олган, 1947 йилда чиқарилган Калашников тизимидаги автомат жаҳонда энг кўп тарқалган ўқотар қуроллари моделларидан бири ҳисобланади. Ҳозир ер юзида тахминан 100 миллион дона «АК-47» мавжуд, бу Американинг «М-16» митигидан қарийб ўн баробар кўпдир. Агар «АК-47» намунаси бўйича яратилган бошқа қуролларни ҳисоблайдиган бўлсак, улар жаҳонда бир миллиард дона атрофида. Ҳозирги вақтда дунёдаги 55 армия «АК-47» билан қуролланган, бу тизимдаги автоматлар 11 мамлакатда ишлаб чиқариляпти.



АҚШ

«Ал-Қоида» халқора террорчилик ташкилоти 2003 йилда Нью-Йорк метросида заҳарловчи газини қўллаган ҳолда террорчилик ҳаракатини амалға оширишға тайёрларик кўрган. Рон Саскинднинг «Бир фоиз доктринаси» деб аталган китобида шу ҳақда гапирилади. АҚШда бугун сотувға чиқадиган ушбу китобдан олинган айрим парчалар «Time» журналин ва Нью-Йорк газеталарида босилган.

Муаллиф Америка маъмурлари томонидан «Ал-Қоида» ичидиға хабарчидан олинган разведка маълумотларига асосланади. Саскинд шунингдек, АҚШ махсус хизматлари ўша йилнинг февралдаги ҳибсга олган, номи айтилмаган баҳрайлик террорчидан мусодара этилган компьютер дискида қўрилма чизмалари топилганлигини келтириб

Ўтади. Террорчилар қурилма ёрдамида Нью-Йорк метросидаги ўнлаб вагонларға ажал газини сочиб юборишни мўлжаллашган. Саскинднинг маълум қилишича, «Ал-Қоида»да Усама бин Ладини яқин турганлардан бири — мисрлик Айман аз-Завахирий 2003 йил январда, белгиланган санаға 45 кун қолганда террорчилик амалиётини ўтказиш ҳақидаги буйруқни бекор қилган. Нью-Йорк полицияси вакили маълум қилишича, ҳуқуқни химоя қилиш оғинлари тайёрланаётган террорчилик хуржларидан бохабар бўлган. Федерал қидирув бюроси Саскинд китобидаги ахборотларни шарҳлашни рад этди.

«Интернет»
материаллари асосида
Алишер РўЗИЕВ
тайёрлади

— Ҳа-да, ташкилотчилари ҳам шулар...
— Унчаликмас, — сўзға қўшилди кенгаш раиси камтарлик билан, — Ражаббой аканинг (ҳоким демокчи. **Муаллифлар**) ўзлари қўллаб-қувватламасалар қайдам эди...
— Тўғри! — тасдиқлади Хонимжон.
Дарвоқе, ўшанда ХДП туман кенгаши ташаббуси ҳамда туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш бўлими, туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 20 дан зиёд ташкилотлар, муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Тadbир охирида 90га яқин талабгор (кўпчилиги ёшлар!) иш билан таъминланиб, улар ўз хоҳишидаги касбларға йўналтирилганлиги маълум бўлди.
— Бултур бандлик дастуримизға кўра, — хикоя қилди Ражаббой Йўлдошев, — туманда 8 миң 700 нафардан зиёд ишсиз фуқаролар борлигини аниқлади. Улардан 1300 нафардан ортиқроғи ишлашға иштиёкманд хотин-қизлар экан-а? — юзланди у Хонимжон Ражабовоға ва ундан сўради. — ...Ҳозир аҳвол қандай?
— Ҳозир бугунгиға ўхшаш тadbирлар натижасиға кўра — изохлади у, — 1000 дан зиёд янги иш ўринлари очилган бўлиб, 600 га яқиниға хотин-қизлар жойлашди. Уй меҳнати — қасаначиликка 130 нафар хотин-қиз жалб этилди. Ва яна...
— Умуман, — гапға қўшилди кенгаш раиси, — ЎзХДПнинг асосий ва доимий электорати: ўқитувчилар, шифокорлар, ёшлар, ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлар каби аҳолининг ёрдамға муҳтож қатламларини ёлпасиға ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида, мақтаниш эмас-у, Амударёда ахши ишлар кўп...
— Шундай бўлишиға бурчлимиз, — давом этди ҳоким.
— Халқни ижтимоий химоялаш бузилган жойда жамият ҳам, давлат ҳам инқирозға юз тутади. Бу фикр партиянинг IV пленуми материалларида ҳам акс этди...

Мана, одамлар энди-энди... мафкуравий жихатдан, парламент типидиға электорат партияси шаклланаётганини эътироф этмоқдалар.
Яқинда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайитиришни рағбатлантириш йўлида (Давлатимиз раҳбари қарори асосида) туманда турмуш тарзи ноқур кўп болали оилаларни ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. 200 нафарға яқин экан. Ҳар бириға босқичма-босқич биттадан соғин сигир берадиган бўлдик. Биринчи бўлиб, ХДП аъзолари бошчилик қилаётган фермер хўжалиқлари ташаббус кўрсатишди. Пўлат Бозорбоев. — «Турсунбоев Бозорбой Соллоҳ» фермер хўжалиги раҳбари... Озод Қурбонбоев, Жумабой Аскароев фермер хўжалиқлари, Соатбой Сапарбоев — трактор парк раиси, «Куйик кўпир»да Ибодулла Хўҷаметов «Азимбой хўжа»...
— Ибодулла акани боя кўрдик, — сўзини бўлдиқ унинг.
— Ҳа, менда бўлувди. Нукусда ишлари бор экан, бир кунға рухсат олди. Куйинчак инсон. Доим янгилик ахтариб, иқтисодни, ижтимоий ҳаётни ўйлагани ўйлаган... Лекин, тан олиш керак, нима иш қилсаки, давом моҳиятға молик ишлар ортидан югуради... Файрати зўр... Баъзан, ўзим ҳам қўйиб қоламан. 610 тача фермер хўжалиқларимиз раҳбарларини ичида энг илгорлардан бири.
Ибодулланинг мен қадрлайдиган энг муҳим хислатларидан бири — одамларға қайишиши, — давом этди ҳоким. — Қўли очик, бағри кенг... Бир кунни уни синаб кўрмоқчи бўлиб, атай: «Ибодулла толганингни бу туршида «ноқор экан» — деб ҳаммаға бераверсанг, бозор шароитида кейин ўзинг қийналиб қолмайсан-ми? — деб сўрадим. Қулиб турди-да: Ака, «Сен бирни берсанг Оллоҳ мингни беради» — деган гап бор. Минг бозор бўлганда-ям, у ижтимоий аҳволға мос, муҳофазаси, химояси бор бозор бўлмаса, ҳаммаси бекор... Бугунча, эртаганча, инди-

нам шу — бирда паст, бирда ўртача одамлар билан биргамиз-ку... Бозордаям, мазордаям дегандай...» деди.
Уйлаб қарасам, хўяли гап... мантиқли, моҳиятли тушунча... Тўғри-да, бозор бўлса-ю, у — ижтимоий йўналтирилган бўлмаса, ёки жамият бўлса-ю, **ИЖТМОИЙ СОЛИДАР** (бирдам) бўлмаса — фермерлик, тadbиркорлик қилмаётган, яшаш тарзи ҳамин қадар, қурби, даромади ўртача (ёки ўртача даражадан паст) фуқаролар нима қилади...?
Ҳоким бир оз жим қолиб сўнгра қўшиб қўйди: «Ижтимоий адолат ҳаммиша керак!»
Шу орада юз берган лаҳзалик сукунатни Хонимжоннинг сўзлари бузгандек бўлса-да, у сўхбатимизға яқун ясагандек эди. У деди:
— Партия пленумида Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг бир сўзи ёдимда қолди: «...Истаган одам бой бўлиши мумкин, бироқ ҳеч ким камбағал бўлмасин»... Чуқурроқ ўйласангиз, **СИЁСИЙ МАФКУРАДА БУШЛИҚ БУЛМАСЛИГИ КЕРАК**, деган гапнинг кўпдан-кўп мантиғу мазмунларидан бири моҳияти ҳам шунда...
...Сафаримиз тугаб, ортға қайтар эканмиз, кўз олдимизда ҳамон қаҳрамонимиз — Ибодулла ака турардек... Кўзлари қорачиларида хайрлашаётган онларда айтган сўзлари сийратини, уни ўйлантирган масалаларнинг нечоғли долзарблигини, ортидан қуйиниб, югуриб юрган ишлари мазмуни моҳиятини, ниҳоят, ҳокимликда билдирилган таърифу тавсифлар ҳақлигини яна бир бор чуқур ўққандек бўлдик. Шу баҳонада — улар «туртки»сида ўзимизнинг ҳам кўнглимизда кўпдан кечиб юрган мулоҳазалар мушоҳадаси билан йўлимизда давом этдик...
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Рейнбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус муҳбирлари

• Табиат ва инсон

СУВНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН...



ЎКИ ОБИ-ХАЁТНИ БУЛГАЁТГАН ОМИЛЛАР ВА СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Сувни — оби-хаёт деб бежизга айтишмайди. Унинг инсон ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини барчамиз тушунамиз. Агар ер юзидagi чуқук сувнинг ҳаммаси дунё океанига қуйилса, унинг сатхи атиги 3 сантиметр бўлар экан. Шундан ҳам кўриниб турибдики, сайёрамизда ичимлик сув микдори нақадар оз. Шу боис 1,1 миллиард одам тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу ҳолат уларнинг соғлиқларига жиддий зиён етказмоқда.

Бу хавфни бартараф этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси 2005-2015 йилларни «Ҳаёт учун сув» широри остида ҳаракатлар ўн йиллиги деб эълон қилган.

Ўзбек хонадонида азалдан «Сувни ифлос қилма!», «Сувга туфлама» каби ўғитиш фарзандлар онига сингдириб келинган. Эндиликда «Сувни исроф қилма» деган сўзни айтишни ҳам урф қилишимиз керак.

Сувни тежаш бўйича сув ўлчagич асбоблари бугунги кунда яхши самара бермоқда. Сув ўлчagичлар ҳар бир ошхона-ю ресторан, фирма-ю корхоналарга ҳам ўрнатилиши лозим. Ва бунинг назорати ҳам қатъий олиб борилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Маҳалла ва оилада ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш бўйича Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона водийсида яхши тажрибалар бор. Айниқса, водийда ҳар бир маҳалладан ариқ ўтганлиги барчамизни қувонтиради. Буви ва оналаримиз келин ва қизларга: «Кўчани сургандан ахлати сувга тушмасин» деб ўқитишларини ўзим кўп кўрганман. Ариқ

бўйларига райхон экилиши сабаби ҳам, эҳтиمول сувга бўлган меҳннинг ифодасидир. Хизмат тақозоси билан бир неча йил олдин Андижон вилоятига семинар-ўқувга борганмиз. Шунда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятдан Андижонга ташриф буюрган ҳамкасбларимиз маҳаллалардан оқётган шаффоф, тиник сувларга ҳавас билан қараганликларига гувоҳ бўлганман.

Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Республика Президентини ташаббуси билан катта ишлар, бошланган. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида Учкўрғон — Наманган йўналиши бўйича катта сув қувурлари тортилди, ёки жорий йилнинг Наврўз байрами арафасида Хоразм вилоятининг Гурлан ва Шовот туманлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг олис қишлоқлари Туямўйин — Ургач сув тизимининг марказлаштирилган сув тармоғига уланди. Натижада 200 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Яна бир муаммо бор. Маълумки, Республика санитария-эпидемиология назорати мутахассислари юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича самарали ишламоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалиги экинларига суюқ фекалларни ишлатишда санитария талабларига тўла амал қилинмапти. Натижада экинзорларни сугориш даврида майдонлардан чиққан сув ариқ, зовур ва каналларга тушиб, очик сув ҳавзаларини ифлослантириш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу эса одамлар ўртасида юқумли касаллик-

лар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Андижон вилоятининг айрим хўжалиқларида фекални сувга қўшиб экин сугориш ҳолатлари ҳам юз берапти. Бунинг салбий оқибатлари шундаки, пероб сувлар оқар сувга тушгач, уни булғайди ва аҳоли соғлиғига зиён етказилади.

Эз мавсумида аҳоли оқар сув бўйларига кир, айниқса гилам ва палосларни ювиши бор гап. Ёки, сув бўйида жойлашган далаҳовлиларда чикиндиларни сувга ташлашади. Бундай ҳолатлар Бўзсув канали атрофларида яшайдиган аҳолига ҳам тааллуқли. Турғи, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, санитария-эпидемиология назорати мутахассислари бу борада тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Оммавий ахборот воситаларида ҳам бу масалага эътибор қаратилапти, лекин булар этарли эмас назаримда. Ахир, гап бевосита экологик тарбияга бориб тақалмоқда. Бундай тарбия ҳар бир хонадонда, мактабга, қолаверса, барча меҳнат жамоасида олиб борилиши керак деб, ўйлайман.

Қарияларимиз таъкидлаганларидек, сувнинг уволи тутмасин. Бу пурмаъно иборага амал қилиб яшайлик, токи биздан кейинги авлод ҳам тоза ичимлик сувидан асрлар давомида баҳраманд бўлсин...

Зокиржон ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аҳоли бандлиги ва жимтомий сиёсат масалалари бўлимининг бошлиғи



ОМАД — МАҲОРАТ — ГОЛ...

Бугунгача гуруҳларда 32 та ўйин бўлди, яна 16 та учрашув ўтказилади



Жаҳон футбол чемпионати миллионлаб мухлислар учун ҳаммиша катта қувонч ва байрам бўлган. Германия шаҳарларида ўтказилаётган ҳар бир ўйин ҳам мухлислар қалбини жумбушга келтирмоқда.

Футбол жамоалари ўз мамлақати шўхрати учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Янги номлар кўзга ташланмоқда. Лекин нима учундир машҳур футболчилар Роналдо, Зидан ва Бекхэм ҳозирча ўз кучларини тўлиқ намойиш этганларича йўқ. Балки, улар яқунловчи учрашувларни кўзлашяётгандир.

Гуруҳларда эса ўзига хос манзара юзага келган. Хусусан, «А» гуруҳида нимчорак финалга чиқишини нақд қилиб қўйган Германия ва Эквадор жамоаларининг қайси бири гуруҳда биринчи бўлиш масаласи уларнинг ўзаро ўйинига боғлиқ. «В» гуруҳида эса ҳозирча инглизлар олти очко билан олдинда боришмоқда. Бу гуруҳдаги иккинчи ўрин масаласи қолган учрашувлар натижасига боғлиқ.

«С» гуруҳида Аргентина, Голландия футболчилари пешқадам. Лекин бу жамоалар учинчи турда ўзаро учрашадилар. «Д» гуруҳида пешқадам бўлиб турган Португалия — Мексика жамоалари ўйини ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

«Е» гуруҳида мушкул ахвол юзага келган. Чунки, Италия футболчилари тўртта очко билан олдинда боришяётган бўлса-да, уларнинг кейинги босқичга ўтишлари даргумон. Боиси, Чехия ва Гана жамоаларида учтадан очко бор. Ҳатто АҚШ футболчилари ҳам сўнги учрашувда ғалаба қозониб, юқори ўринга даъвогарлик қилишлари ҳеч гап эмас. «F» гуруҳида бу сафар ҳам чемпионликни оруз қилаётган Бразилия футболчилари олти очко билан барвақт нимчорак финалга чиқишди. Австралия, Хорватия, Япония жамоалари эса гуруҳдаги сўнги учрашувларда ўз ўринларини белгиладиган кўринди.

Майдонда футболчилар тўп суравереди, мухлислар олқиши янграйвереди. Бироқ чемпионат теғрасида ўз манфаатини кўзлайдиганлар ҳам топиламан. Хусусан, ФИФА ижрокўми аъзоси Исмоил Бҳамжи Германияни тарк этадиган бўлиб турибди. Маълум бўлишича, у Англия — Тринидад ва Тобаго учрашувига нархи 100 евро турадиган 12 та чиптани 300 евродан сотаётган-

турган Португалия — Мексика жамоалари ўйини ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

«Е» гуруҳида мушкул ахвол юзага келган. Чунки, Италия футболчилари тўртта очко билан олдинда боришяётган бўлса-да, уларнинг кейинги босқичга ўтишлари даргумон. Боиси, Чехия ва Гана жамоаларида учтадан очко бор. Ҳатто АҚШ футболчилари ҳам сўнги учрашувда ғалаба қозониб, юқори ўринга даъвогарлик қилишлари ҳеч гап эмас. «F» гуруҳида бу сафар ҳам чемпионликни оруз қилаётган Бразилия футболчилари олти очко билан барвақт нимчорак финалга чиқишди. Австралия, Хорватия, Япония жамоалари эса гуруҳдаги сўнги учрашувларда ўз ўринларини белгиладиган кўринди.

Майдонда футболчилар тўп суравереди, мухлислар олқиши янграйвереди. Бироқ чемпионат теғрасида ўз манфаатини кўзлайдиганлар ҳам топиламан. Хусусан, ФИФА ижрокўми аъзоси Исмоил Бҳамжи Германияни тарк этадиган бўлиб турибди. Маълум бўлишича, у Англия — Тринидад ва Тобаго учрашувига нархи 100 евро турадиган 12 та чиптани 300 евродан сотаётган-

да қўлга тушган. Албатта, олиб-сатар ФИФАга очик мактуб йўллаб қилган хатосини тан олди. Лекин унинг тақдирини нима бўлишини вақт кўрсатади.

Энди бўлиб ўтган учрашувлар тафсилоти ҳақида сўзлайдиган бўлсак Франция — Жанубий Корея учрашувида ҳисобнинг 1:1 бўлиши кўпчилики ҳайратга солди. Чунки, французлар иккинчи марта дуранга рози бўлишди-да. 1:1 ҳисобида яқунланган бу учрашунинг 9-дақиқасида Анри ҳисобни очган бўлса, 81-дақиқада Пак Чони ҳисобни тенглаштирди. Бразилия — Австралия ўйинида дар-

возага иккита жавобсиз тўп киритилди. 49-дақиқада Андриано ва сўнги дақиқада Фред дарвозани нишонга олишди. Хорватия — Япония баҳсида дарвозалар дахлсиз қолди. Италия — АҚШ учрашувининг 1:1 бўлишини кўпчилик кутмаган эди. Бу ўйинда Жилардино ҳисобни очган бўлса, Закардо ўзи билмаган ҳолда автогол соҳиб бўлиб қолди.

Бошқа ўйинлар куйидагича яқунланди: Аргентина — Сербия ва Черногория — 6:0. Голландия — Кот д'Ивуар — 2:1. Мексика — Ангола — 0:0, Чехия — Гана — 0:2. Португалия — Эрон — 2:0.

Бугунданок Польша, Коста-Рика, Парагвай, Эрон футболчилари жамодонларини уйга кетиш учун ҳозирлашмоқда. Кеча эса Того — Швейцария (0:2) учрашуви ўтказилди. Бугун «А» ва «В» гуруҳларида тўртта учрашув бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Равшан ШОДИЕВ

ГУРУҲЛАРДАГИ ҲОЛАТ БИЛАН ТАНИШИНГ:

«С» гуруҳи	Ю	Д	М	Т	О
Аргентина	2	0	0	8-1	6
Голландия	2	0	0	3-1	6
Кот д'Ивуар	0	0	2	2-4	0
С.Хорватия	0	0	2	0-7	0

«Д» гуруҳи	Ю	Д	М	Т	О
Португалия	2	0	0	3-0	6
Мексика	1	1	0	3-1	4
Ангола	0	1	1	0-1	1
Эрон	0	0	2	1-5	0

«Е» гуруҳи	Ю	Д	М	Т	О
Италия	1	1	0	3-1	4
Чехия	1	0	1	3-2	3
Гана	1	0	1	2-2	3
АҚШ	0	1	1	1-4	1

«F» гуруҳи	Ю	Д	М	Т	О
Бразилия	2	0	0	3-0	6
Австралия	1	0	1	3-3	3
Хорватия	0	1	1	0-1	1
Япония	0	1	1	1-3	1

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ! ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллеж 2000 йилда замонавий услубда таъмирланган бўлиб, унга энг сўнги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. 750 ўринли бинода талабалар учун барча қулайликлар яратилган. Касб-ҳунар коллежиде кўйидаги мутахассислар тайёрланади.

1. Чорвачилик ва фермер хўжалигини юритиш;
2. Усимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил қилиш;
3. Иссиқхонада хилма-хил ўсимликлар етиштириш;
4. Аэрономлик;
5. Авточилангарлик;
6. Қишлоқ хўжалик механизмини таъмирлаш ва жиҳозлаш;
7. Газ таъминоти жиҳозларини таъмирлаш ва пайвандлаш;
8. Ветеринария;
9. Қандолатчилик;
10. Дурадгорлик;
11. Токарлик.

Бундан ташқари, талабаларга «ВС» тоифадаги ҳайдовчилик гуваҳномаси ҳам берилади. Амалийтни ўташ учун эса, коллеж ҳудудида замонавий технологиялар билан таъминланган устахоналар мавжуд.

Абитурientлар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- 1) Директор номига ариза.
- 2) Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).
- 3) Тиббий маълумотнома 086-У шаклида.
- 4) 8 донга 3x4 шаклидаги фотосурат.
- 5) Паспорти ёки тугилганлиги ҳақида маълумотнома (нусхаси).
- 6) Меҳнат дафтрасидан кўчирма.
- 7) Янаш жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар қабул қилиш муддати 20 июндан 1 августгача.

Манзил: Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Фафур Фулом кўчаси, 10-уй, тел: (8362) 512-61-26.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар ва таълим турлари бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:

- математика ва информатика (Ўзбек ва қозоқ тилларида);
- физика ва астрономия (Ўзбек ва қозоқ тилларида);
- кимё ва экология (Ўзбек тилида);
- биология ва ҳаётини фаолият хавфсизлиги (Ўзбек тилида);
- география ва иқтисодий билим асослари (Ўзбек тилида);
- тарих (Ўзбек ва рус тилларида);
- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (Ўзбек тилида);
- педагогика ва психология (Ўзбек тилида);
- меҳнат таълими (Ўзбек тилида);
- мусикий таълим (Ўзбек ва рус тилларида);
- ўзбек тили ва адабиёти (Ўзбек тилида);
- рус тили ва адабиёти (рус тилида);
- хорижий тиллар ва адабиёти (инглиз), (Ўзбек ва рус гуруҳларида);
- миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (Ўзбек тилида);
- бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши (Ўзбек ва қозоқ тилларида);
- мактабгача таълим ва болалар спорти (Ўзбек тилида);
- жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (Ўзбек, рус ва қозоқ таълим тилларида).

МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМДА БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:

- бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши (Ўзбек ва қозоқ тилларида);
- мактабгача таълим ва болалар спорти (Ўзбек тилида);
- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (Ўзбек тилида);
- жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (Ўзбек ва қозоқ тилларида);
- меҳнат таълими (Ўзбек тилида);
- мусикий таълим (Ўзбек тилида);
- миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (Ўзбек тилида);

Ҳужжатлар 2006 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Кундузги ва махсус сиртки бўлимларга кирувчи абитуриентлар 1 августда тест синавларидан ўтадилар.

АБИТУРИЕНТЛАР КЎЙИДАГИ ҲЎЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси).
3. «086-У» шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3x4 ўлчамдаги 6 донга фотосурат.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
6. Меҳнат дафтрасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун).
7. Махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумотга ҳамда тегишли таълим тури бўйича калмида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлар, шунингдек, мактабгача таълим ва болалар спорти мураббийларидан ҳужжатлар қабул қилинади.

КЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Математика; — Физика; — Кимё; — Биология;
- Тарих; — Ўзбек тили; — Адабиёт;
- Педагогика (таълим турлари бўйича);
- Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият;
- Магистратурага кирувчилар — бакалавр даражасига эга бўлганлар, диллома мутахассислар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

 1. Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори номига ариза.
 2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг шловаси.
 3. «086-У» шаклидаги тиббий маълумотнома.
 4. 3x4 ўлчамдаги 6 донга фотосурат.
 5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Манзил: Жиззах шаҳри Шароф Рашидов шоҳкўчаси. Тел.: (8372) 226-59-94; (8 372) 226-13-57

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomez SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyoat, partiya va xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-35, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikomjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta shehbanbo, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 850
10942 nusxada bosiladi
Г — Тижорат материали
O'ZA yakuni — 22.45
Topshirish vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda